

Хорижда 600 доллар топган яхшими ёки ўз уйида 2 минг доллар?..

Суҳбатдошларнинг аксарияти хорижда ойига 600 долларгача ойлик маош олишини, шунинг учун қайтмаслигини билдирган.

3-с.

“16 миллиард сўмлик лойиҳа устида ишляпмиз”

Келгусида 25 миллиард сўмлик “IT cluster” лойиҳасини йўлга қўйишни режа қилганман.

4-с.

“Касбимнинг етук мутахассиси бўламан”

Дилсўз Болтаеванинг оилавий шароити «Кейс-менежмент» усули асосида комплекс баҳоланди ҳамда унга кўрсатиладиган ижтимоий хизмат ва ёрдамлар режаси белгиланди.

7-с.

Маҳалла

№31 (2169) | 2024 йил 20 июнь, пайшанба

WWW.UZMAHALLA.UZ

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

БУГУНГИ СОНДА:

Мақсадли лойиҳа бору, лимит тугаган бўлса....

Агар кредит ўз вақтида сундирилмаса, қайтмаган қисмига мос равишда маблағ ажратиш имконияти чекланади. Шунга кўра, ҳар бир маҳалла бўйича аввал берилган кредитларнинг сундирилган қисми ҳоким ёрдамчиси тавсиясига кўра дастурлар доирасида янги қарз олувчига ажратиладиган кредитлар бўйича ресурс(лимит)ларнинг асосий манбаси ҳисобланади.

3-с.

Норасмий фаолият қонунийлаштирилди

Афсуски, айрим тадбиркорлар ишчиларни норасмий, “конверт” усулида ишлатмоқда. Бундай ҳолатлар аниқланиб, ноқонуний меҳнат фаолиятлари бўйича апрель ойида 124 нафар, май ойида 154 нафар фуқаронинг меҳнат фаолияти қонунийлаштирилди.

5-с.

“Ташриф қоғозим, бу — тинчликка масъуллим белгиси”

Дастлабки фаолиятимда ҳар бир хонадонга кириб, ўзимни таништириб, “бугундан мен шу маҳалланинг тинчлиги ва осойишталигига масъулман. Бу борада қандай муаммо бўлса биргаликда ҳал этамиз”, деб оила аъзолари билан суҳбатлашиб чиқдим.

6-с.

Қишлоқда хотин-қизлар фаоллиги ортапти

Яратиб берилган шароит ва имкониятни тобора чуқурроқ тушуниб етаётган хотин-қизлар орасидан лойиҳада иштирок этиш истагини билдираётганлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Бу ҳолат қувонарли, албатта. Ўз йўлини, ўз ўрнини топишга интилаётган аёллар сони қанча кўпайса, маҳаллалардаги муаммолар аста-секин барҳам топиб бораверади.

8-с.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатиң!

@mahalla_raislari

@mahalladosh_1

@mahalladosh

Газетанинг телеграмдаги «uzmahallabot»ига ўтиш учун QR-кодни сканерланг!

Кўмак



Ўрганишлар давомиди маҳаллаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилляпти.

Йиғинларга янги компьютер жамланмалари берилди

Хабарингиз бор, йил бошидан буён Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев бошчилигидаги Республика ишчи гуруҳи ҳудудларда бўлиб, “маҳалла еттилиги” фаолиятини ўрганмоқда, тизимга оид масалаларни таҳлил қилмоқда.

Ўтган ҳафта Қарши туманида Қаҳрамон Қуронбоев раислигида йиғилиш ўтказилганди. Очиқ

мулоқот тарзида ўтган ушбу учрашувда “маҳалла еттилиги”га муносиб хизмат шароитларини яратиш, тизимнинг моддий-техник базасини яхшилаш вазифаси белгилаб берилди. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Қашқадарё вилояти бошқармаси бошлиғи Долли Аллаев тумандаги бир гуруҳ маҳалла раисларига замонавий компьютер

жамланмаларини топширди. Худди шундай, Республика ишчи гуруҳининг ўрганишларида Фарғона шаҳридаги айрим маҳаллаларда янги компьютер жамланмасига эҳтиёж борлиги аниқланганди. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи Адхам Зиёевидинов шаҳардаги маҳаллаларга 40 та замонавий компьютер жамланмасини топширди.



Кун мавзуси

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” ҳар чоракда аҳоли олдида ҲИСОБОТ БЕРАДИ



Давоми 2-саҳифада.

ҚУЛАЙЛИК

Субсидияга аризани маҳалладан бериш мумкин

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 25-26 март кунлари Наманган вилоятига ташрифи давомиди маҳаллалардан туриб давлат хизматларини кўрсатиш имкониятини ошириш вазифаси белгилаб берилган эди. Шу мақсадда Адлия вазирлиги онлайн давлат хизматларидан содда усулда фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида интерактив киоскалар ишлаб чиқди ҳамда босқичма-босқич маҳаллаларга ўрнатяпти.



Давоми 2-саҳифада.

ТАШАББУС

Қаерда боғ ташкил этиш фуқаролар ҳукмида

2024 йил 10 июнь сапасида «Менин боғим» лойиҳасига старт берилди. Бу орқали бюджетдан «Яшил макон» лойиҳасига ажратилган маблағларнинг камиди ярми жамоатчилик фикри асосида шакллланган лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилади.

Жараён қуйидаги 3 та босқичда ўтказилади:

- тақлиф қиритиш (10 июндан — 20 июнгача);
- саралаш (20 июндан — 23 июнгача);
- овоз бериш (23 июндан — 3 июлгача).

“Республикада яшиллик даражасини янада ошириш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини изчил амалга ошириш орқали экологик барқарорликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармонида асосан, аҳоли ташаббуси билан «яшил боғлар» ва «яшил жамоат парклари»ни ташкил қилиш бўйича майдон манзили



ва расмлари кўрсатилган ҳолда, қиймати 250 млн. сўмдан ошмаган ташаббуслар билдирилади.

Давоми 2-саҳифада.



Президент мактабгача ва мактаб таълими сифатини ошириш бўйича ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМОТИ билан танишди.



ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси раиси Гаяне Умерова ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле билан учрашди.



Германия Ўзбекистон билан ҚОНУНИЙ МИГРАЦИЯНИ тартибга солиш соҳасида шартнома тузади.

БИБЛИОТЕКА

“Еттилик” тавсияси асосида кимларга ипотека кредити берилади?

2024 йил 30 апрелда “2024 йилда ипотека кредитларини ажратиш механизмларини такомиллаштириш ва аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилашга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги Президент фармони қабул қилинди. Ушбу қарорга асосан, «махалла еттилиги» тавсияси асосида 120 миллион сўмгача ипотека кредитлари ажратилади.



Фармонга кўра, Камбағалликдан чиқариш дастурига киритилган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган шахсларга яқна тартибдаги уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун 120 миллион сўмгача ипотека кредитлари берилади. 2024 йил 1 июндан мазкур кредитларни “махалла еттилиги” тавсияси асосида ажратиш амалиёти жорий этилди. Ипотека кредитлари 120 миллион сўмгача миқдорда, 20 йилгача муддатга Марказий банкнинг асосий ставкасидан тўрт фоиз бандга юқори ставкада яқна тартибдаги уй-жойни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш мақсадлари учун ажратилади.

Ипотека кредити бўйича дастлабки бадалнинг бир қисmini қоплаш учун – ажратиладиган кредитнинг 15 фоизи миқдориди ҳамда фоиз тўловларининг бир қисmini қоплаш учун кредит муддатининг биринчи 5 йили давомида 12 фоиздан ошган қисмига субсидия тўланади.

Фармонга мувофиқ, субсидиялар ажратиш юзасидан аризалар тасдиқланган параметрлар доирасида 2024 йилнинг 15 майдан 1 ноябрга қадар қабул қилинади. 2024 йилги дастур доирасида ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз тўловларининг бир қисmini қоплаш учун субсидиялар – 12 фоиздан ошган қисмига, 2025 йил ва ундан кейинги йиллар дастурлари доирасидаги кредитлар бўйича эса – Марказий банкнинг асосий ставкасидан ошган қисмига тўланади.

Бирламчи уй-жой бозоридидаги квартираларни сотиб олиш учун ажратилган ипотека кредитлари бўйича дастлабки бадалнинг бир қисmini қоплаш учун субсидиялар – 2024 йилги дастурдан бошлаб қатъий белгиланган 30 миллион сўм миқдориди тўланади.

Ушбу турдаги кредитлар ҳаммага ажратилмайди. Камбағалликдан чиқариш дастурига киритилган шахсларгагина ажратилади.

ҚУЛАЙЛИК

Субсидияга аризани маҳалладан бериш мумкин



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Мазкур киоскаларда дастлаб аҳоли учун 37 та хизмат тури кўрсатилган бўлса, айни пайтда уларнинг сони 45 тани ташкил этади. Хусусан, эндиликда фуқаролар ипотека кредитига субсидия олиш учун мазкур киоскалар орқали ариза юборишлари мумкин. Аҳамиятли жиҳати, хизмат бепул, навбатлар мавжуд эмас ҳамда 24/7 режимида фойдаланиш имконияти мавжуд.

Фойдаланиладиган хизмат турлари:

- маълумотномалар бериш;
 - ҳисобга қўйиш;
 - ижтимоий ҳимоя;
 - лицензия, рухсатнома ва хабардор қилиш;
 - нотариал ҳаракатлар.
- Хизматлардан фойдаланиш

тартиби: аввало, киоскадан соҳалар бўйича керакли тил танланади, сўнггра юзни сканер қилиш (Face-ID) орқали фойдаланувчининг шахси тасдиқланиб, идентификациядан ўтказилади. Бунда паспорт серияси ва рақамини киритиш NFC ридер орқали амалга оширилади. Кейин хизмат тури танланиб, натижасини олиш ва чоп этиш мумкин.

Тўловни қулай тартибда амалга ошириш учун мобил иловалар орқали QR-кодни сканерлаш ёки банк карта рақамини киритиш қийоа. Йил якунига қадар туман марказидан узокда жойлашган маҳаллазар ва аҳоли гавжум бўлган жойларда 1 500 та интерактив киоскалар жойлаштирилади ҳамда улар орқали кўрсатиладиган хизматлар сони 70 тага етказилади.



КУН МАВБУСИ

“Маҳалла еттилиги” ҳар чоракда аҳоли олдида ҳисобот беради

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.



Ҳисобот чораклик тугаган ойдан кейинги ойнинг 10-санасигача эшитилади. Ҳисобот якуни бўйича “махалла еттилиги” аъзолари фаолиятига баҳо берилади.



Кўчабоши ва уйбошиларга коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар бўйича ҳар ойда компенсация тўловлари тўланади.

“Маҳалла еттилиги” аъзоларининг ҳисоботини эшитиш якунлари бўйича фуқаролар йиғинининг қарори 3 кун муддатда тегишли чораларни кўриш учун:

- фуқаролар йиғини раисини рағбатлаштириш, интизомий тартибда жазолаш ёки эғаллаб турган лавозимидан озод этиш масалаларини кўриб чиқади;
- ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим, солиқ ва профилактика инспекторларини рағбатлантириш ёки уларга нисбатан эғаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жазо чораларини қўллаш учун уларнинг иш бевуви ташкилотига тақдим этилади.

Фуқаролар йиғинининг қарори, йўлланган тақдимнома ва хатларини уларни қабул қилган давлат ташкилотлари кўриб чиқиши ҳамда 15 кун муддатда фуқаролар йиғинига жавоб бериш шарт.

“Маҳалла еттилиги” аъзолари ҳисоботини фуқаролар йиғинида муҳокама қилиш натижалари, фуқаролар йиғини қарориди кўрсатилган масалалар бўйича тегишли давлат ташкилотларида кўрилган чоралар тўғрисидаги таҳлилий ахборотни фуқаролар йиғини ҳар чоракда сектор раҳбарига, Халқ қабулхонасига ва маҳаллий Кенгашга киритиб боради.

Кўчабоши ва уйбоши 5 йилга сайланади

“Кўчабоши ва уйбошиларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Намунавий Низомга асосан, кўчабоши ва уйбоши сифатида 18 ёшга тўлган ҳамда тегишли ҳудудда доимий ёки вақтинчалик истиқомат қилаётган фуқаролар сайланиши мумкин. Бу

жараёнда номзодларнинг ташкилотчилик қобилияти, ҳаётий тажрибаси ва одамлар ўртасида обрў-эътиборга эга бўлишига устуңлик берилади.

Кўчабоши ва уйбошилар ўз фаолиятини жамоатчилик асосида юритади. Бундай фаол фуқароларни рағбатлантириш тариқасида уларга коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар бўйича ҳар ойда компенсация тўловлари (базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдориди – 170 миңг сўм) тўланади. Қолаверса, ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаол меҳнат қилаётган кўчабоши ва уйбошиларни пул мукофоти ва эсдалик совғалари билан рағбатлантириши, давлат ва бошқа мукофотларга тавсия этиши мумкин.

Кўчабоши ва уйбошилар сайлови Фуқаролар йиғини кенгашининг қарори асосида ўтказилади. Сайлов очик овоз бериш орқали ташкил этилиб, фаоллар беш йил муддатга сайланади. Намунавий Низомда уларнинг фаолиятини муддатидан олдин тугатиш шартлари белгилаб қўйилди. Хусусан, одоб-ахлоқ нормаларини кўпол равишда бузса, фуқаролар йиғини обрўсига путур етказса, муомалага лаёқатсиз деб топила, суднинг айблов ҳукми кучга кирса, бедарак йўқолган ёки вафот этган деб топила, ваколат муддати олдинроқ тугайди.

Кўчабоши ва уйбошиларнинг асосий вазифалари сирасига ўзига бириктирилган кўчалар ёки кўп квартиралар йилардаги аҳоли рўйхатини шакллантириш, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш, ҳудудни ободонлаштириш, эҳтиёжманд оилаларга кўмак кўрсатиш, тўй-ҳашамларни тартибли ўтказиш каби юмушлар киради.

Умуман олганда, Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида тасдиқланган Низомлар маҳалла иши самарадорлигини ошириш, ҳодимлар масъулиятини юксалтириш, фуқаролар йиғини фаолиятида фаол иштирок этувчиларни рағбатлантиришга хизмат қилади.

ТАШАББУС

Қаерда боғ ташкил этиш фуқаролар ҳукмида

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Таклифлар “Ташаббусли бюджет”дан биров фарқ қилади. “Ташаббусли бюджет”да фуқаролар ташаббус мазмунини ўзлари киритган бўлса, “Менинг боғим”да Экология вазирлиги тасдиқлаган 1000 дан ошқ ҳудудлар танланиши керак. Бу кимнингдир томорқаси ёки ер майдонига яшил боғ ташкил этиш бўйича таклиф киритишининг олдини олади.

Президент фармонига асосан, яшил боғлар, яшил парклар ва жамоат боғлари учун ер ажратиш масаласини маҳаллий ҳокимликлар ҳар йили декабрь ойида ҳал қилади, яъни қаерда боғ қилинади, қаерда аҳоли пункти қурилади, аниқлаб чиқилади. Режалаштирилган лойиҳага кўра, аҳолининг дам олиши, сайр қилиши учун шундай жойлар танланади. Ҳар бир туманда бир нечта жой танланиб, платформага киритилади.

Таъкидлаш керакки, 2024

йилда “Яшил макон” учун давлат бюджетидан 104 млрд. сўм маблағ йўналтирилган. “Менинг боғим” лойиҳасига унинг ярми, яъни 52 млрд. сўм ажратилади. Республикада 208 та туман ва шаҳар бўлса, ҳар биттасида биттадан лойиҳа ҳолиб бўлади.

Ҳолиб лойиҳалар туман ва шаҳарда очилган ҳисоб ғазна маблағларидан молиялаштирилади.

Ҳақли савол туғилади: 250 млн. сўм яшил зоналар ташкил этиш ва дарахтларга ғамхўрлик қилиш учун етарлими? Айтиш керакки, бу миқдор ўртача ҳисобда олинган. Агар ташаббус кўпроқ маблағ талаб қилса, маҳаллий бюджетларнинг орттирилган қисмидан молиялаштириш назарда тутилган.

Ташаббуслар овозга қўйилиб, ғолиблар аниқланган, Ишчи гуруҳлари пудратчини аниқлайди (лойиҳачи туман ва шаҳар экология бўлими). Дейлик, бир ҳудудда жамоат паркни ташкил




қилиш керак. Лойиҳачи паркдаги йўлақлар, ёритиш чироқларидан тортиб, суғориш тизимида қандай бўлишини лойиҳалаштиради. Пудратчи у ерга ажратилган маблағ ҳисобидан кўчатларни тупроқ иқлим шароитига мослигини

танлайди ва шу асосда уларни экади. 3 йилгача суғоришдан тортиб агротехник тадбирларга, ҳамма вазифалар пудратчига юкланади. 3 йилдан кейин бу парк маҳаллий бюджетга қайтарилади.



Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги парвозлар сони ҲАФТАСИГА 20 ТАГА етказилди.



Бир йилда қуёш панеллари орқали 728,1 минг кВт/соат “ЯШИЛ ЭНЕРГИЯ” ишлаб чиқарилган.



Тошкентда Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармасининг Марказий Осиёда ЯГОНА ВАКОЛАТХОНАСИ иш бошлади.

Бўлар экан-ку...

Хорижда 600 доллар топган яхшимми ёки ўз уйида 2 минг доллар?..

Маҳалламизда 4 126 нафар аҳоли яшайди. Асосий “драйвер” — деҳқончилик ва чорвачилик.

Аббос БЕКПЎЛАТОВ, Окдарё туманидаги “Узунқишлоқ” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Жорий йил бошида 82 нафар ишсиз рўйхатга олинган. Ҳозирги кунда уларнинг барчаси иш билан таъминланди. 32 нафарига кредит ажратилиб, 46

нафар ёшга “Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига асосан, 30 сотихдан ер берилди.

Йил бошидаги ҳатловда 367 нафар хорижда меҳнат қилаётган мигрант рўйхатга олинган. Ҳар бири билан алоҳида суҳбатлашдик. Дастлабки босқичда 112 нафарини, кейинги босқичда 23 нафарини оиласи бағрига қайтаришга эришдик. 12 нафарига имтиёзли кредит берилган бўлса, 11 нафарига ижара асосида фойдаланиш учун ер ажратилди.

Нилуфар Улуғова кўп йиллардан бери турмуш ўртоғи билан хорижда, фарзандларидан олисда ишлаб келарди.

“Маҳалла еттилиги” ташаббуси билан уни ватанга қайтариш чораси кўрилиб, 10 млн. сўм имтиёзли кредит ажратилди. Экиш учун қулупнай кўчати олиб берилди. Бугун томорқасидаги 4 сотихли қулупнайзордан бир мавсум 70 млн. сўм даромад топмоқда.

Маҳалла тadbиркорлари орасида биринчи мавсумда 150 млн. сўм топиб, иккинчи мавсумда 200 млн. сўмгача даромадни қўзалаётганлар бор. Улардан бири Комил Норматов. Бу йилги имтиёзли кредит эвазига томорқасидаги 10 сотих ерга қулупнай экиб, бир мавсумда 150 миллион сўм даромад топди. Иккинчи мавсумда яна шунча даромад кутмоқда.

Миграциядаги маҳалладошимиз Шерзод Холиқов ва унинг укаси Наврўз Холиқовга 33 миллион сўмдан, жами,

66 миллион сўм кредит ажратилди. Улар томорқада иссиқхона ташкил этиб, ўзини ўзи банд қилди. Ҳозирда ака-укалар “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида 70 миллион сўм даромад қилмоқда.

Кўп ҳамкасбларим миграциядаги фуқароларни ватанга қайтариш борасидаги натижаларим сабаби, қандай қилиб, бунга эришётганим ҳақида сўрайди. Улар билан тажрибамни ўртоқлашаман. Аслида, ҳаммаси жуда оддий. Одамларни ишонтира олиш керак. Хориждаги меҳнат мигрантлари билан суҳбатлашганимда асосий эътиборни шунга қаратяпман. Суҳбатдошларнинг аксарияти хорижда ойига 600 долларгача ойлик маош олишини, шунинг учун қайтмаслигини билдирган. Ўзбекистонга қайтса, бу маблағни тўлайдиган корхона ёки ташкилот йўқ-ку, деган

мазмунда савол берди. Уларга жавобан кечагина ишсиз бўлган ёки улар каби миграцияда юрган маҳалладошлар бугун йилига 300 миллион сўмдан даромад топаётганини аниқ мисоллар орқали кўрсатиб берайман. 300 миллион сўмни 12 ойга бўлсақ, ойига 2 минг доллардан уйида, оиласи бағрида топиш мумкинлигини ўз қўшниси ҳаётида кўрган яна 100 нафар миграциядаги фуқаро ватанга қайтиш истагини билдирди.

Бир сўз билан айтганда, “маҳалла еттилиги”ни аҳоли билан ишлаши учун барча шароит яратилган. Зиммамизга аниқ вазифа юкланган. Фақат ҳозир маҳалламиз биноси анча эскирган. Шунинг учун янги бино қурилиши бошланди. Агар шу бино тезроқ фойдаланишга топширилса, ишимиз янада самарали бўларди.

КЕЛАЖАККА КАСБИМ БИЛАН

Фуқаро ҳам ишли, ҳам мулкли, ҳам касбли бўлди

Маҳалламизда деҳқончилик, чорвачилик каби “драйвер” соҳалар билан бир каторда тadbиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришга ҳаракат қилишимиз. Доимий даромад манбаига эга бўлмаган ва ишсиз аҳолининг, ёшлар ва хотин-қизларнинг қизиқишини ўрганиш орқали уларни касб-хунар ва тadbиркорликка ўқитиш марказларига йўналтириш, битирувчилар бандлигини таъминлаш бўйича қувонарли тажрибамиз бор.

Илҳомжон ҚҮРБОНОВ, Қибрай туманидаги “Фаровон” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Жорий йил бошида ўтказган ҳатловда 20 нафар ишсиз ҳамда касб-хунарга эга бўлмаган фуқаро рўйхатга олинган эди. 16 нафари касб-хунар марказига йўналтирилди. 4 нафарига имтиёзли кредит ажратилиб, бандлиги таъминланди. 16 нафар талабгорга тadbиркорлик фаолиятини бошлаш учун имтиёзли кредит олишда қўмаклашилди.

Жорий йил бошидаги ҳатловда Ситора Соҳибназарова ишсиз ва касб-хунарсиз экани аниқланган. Қизиқиши ўрганилганда тикувчиликка иштиёқи баланд экани маълум бўлди. Шунга асосан, уни тикувчилик йўналишида касб-хунар марказига йўналтирдик. Ўқишни тамомлагач, тавсия асосида 33 миллион сўм кредит олишга қўмаклашдик. Тadbиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, 5 та янги иш ўрини яратди. 50 нафарга яқин шогирдларга хунар ўргатиб келмоқда. Эътибор берган бўлсангиз, бир хайрли тadbир ортдан фуқаро ҳам ишли,



ҳам мулкли, ҳам касбли бўлди.

Шу тоифа бўйича рўйхатга олинган Гулчирай Шавкатова ҳам касб-хунар марказида тикувчиликни ўрганди. Унга тавсия асосида 33 миллион сўм кредит ажратилди. Бугун 2 та иш ўрни яратиб, 2 та ишчи олиш имконияти мавжуд. Яна бир маҳалладошимиз — Зиеда Султонкулова аёллар сартарошлиги йўналишида ўқиди. Ўқишни тамомлагач, имтиёзли кредит олиб, тadbиркорлик фаолиятини бошлади.

“Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига кўра, маҳаллада бизнесни ривожлантириш бўйича 3 нафар талабгорга имтиёзли кредит ажратилди. 4 нафар аризачининг мурожаати ижро жараёнида.

Яратилган имконият асосида фаолиятини янада кенгайтирган тadbиркорлардан бири — Диором Исакова. 20 йиллик педагогик ва

психологик тажрибага эга ҳақрамонимиз 3 йил аввал хусусий мактабгача таълим ташкилоти ташкил этганди. Дастлабки йили 33 миллион сўм имтиёзли кредит ҳисобига иш бошлаган бўлса, кейинчалик муассасага болалар майдончаси ва спорт ўйингоҳи зарурати пайдо бўлди. Маблағ йўқлиги режани амалга оширишга тўсиқлиқ қилаётганди. Президент қарори асосида унга ҳам 100 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди.

ТОМОРҚА МАКТАБИ

Нўхатдан мўл ҳосил олай десангиз...



Нўхатдан юқори ҳосил етиштириш учун табиий намлиқдан ташқари (бахор қуруқ келганда) бир марта сугориш тавсия этилади.

Нўхатнинг яхши ўсиб-ривожланиши ва табиий намлиқдан унумли фойдаланиши учун ўсув даврининг илк дамларида қатор ораларини юмшатиш, бегона ўтларни йўқотиш жуда муҳим. Нўхат органик моддаларга бой

тупроқда яхши ривожланади. Экишдан олдин ерга аммофос берилиш ўсимликларнинг бақувват ўсишини таъминлайди ва ҳосилдорликни оширади.

Республикамиз шароитида нўхатнинг касаллиқларидан аскохитоз (ўсимликни барг, поя ва дуккакларини зарарлайди), зараркунандалардан баргда ғовак ҳосил қилувчи пашша, ғўза тунлами курти ва брухус кўнғизиди кўп учрайди. Аскохитоз касаллиқларини олдини олиш учун уруғликни соғлом ўсимликлардан олиш, уруғларни яхшилаб тозалаш ва экишдан олдин “Плантастим” биостимулятори (10 кг. уруғ учун 25 мл.), раксил 2,5 фоиз эритмаси билан (10 кг. уруғ учун 7 г.), нўхат пашшаси, ғўза тунлами курти ва брухус кўнғизига қарши эса ўсув даври давомида фуфанон 57 фоиз билан кимёвий ишлов бериш зарур. Бу борада мутахассисларга мурожаат қилиш тавсия этилади.



Қартошқа намсевар, сувга талабчан етиштириш учун тупроққа нами доимо етарли бўлиши шарт.

Бу экин ўсув даврида сувни бир хилда талаб қилавермайди, палаги ўсган сари унинг сувга талаби ортаверади. Айниқса, гуллаш даврида тупроқ доимо сернам бўлиши лозим.

Акс ҳолда буғланиш (транспирация) ва фотосинтез жараёни қисқаради, ўсимлик ўсишдан тўхтабди, туғанаклар озиқ моддалардан фойдалана олмай ривожланишдан орқада қолади. Орадан маълум вақт ўтгандан кейин сугорилганида эса, туғанаклар қайтадан ўса бошлайди, лекин у болалаб кетади ва туллари кўклайди.

Қартошқадан юқори ҳосил етиштириш учун тупроқнинг тўйинган дала нам сифимига нисбатан сугоришдан олдинги тупроқ намлиги камида 75–80 фоиз бўлиши керак, ана шунда ўсимлик яхши ўсиб-ривожланади.

Қартошқани неча марта сугориш унинг қайси муддатда экилишига қараб белгиланади.

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши маълумоти асосида тайёрланди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Оламгир ЖАҲОНГИРОВ, Қибрай туманидаги “Уймувут” маҳалласи 329-уй.

— *Оилавий тadbиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ҳоким ёрдамчиси кредит олиш учун тавсия беради. Унга кўра, ажратиладиган кредит учун маҳаллага ўрнатилган ресурс(лимит) қандай шакллантирилади? Агар талабдорни имтиёзли кредит олиш бўйича мақсадли лойиҳаси бўлса-ю, маҳалла учун ажратилган ресурс маблағи туғадан тақдирда нима қилиш керак?*

Мақсадли лойиҳа бору, лимит туғаган бўлса...



Акмалжон НАЗАРОВ, Марказий банк департаменти раҳбари:

— Президентнинг “Оилавий тadbиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини молиялаштиришни тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан 2024 йилда Оилавий тadbиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасидаги лойиҳалар аввалги йилларда ажратилган кредитларнинг сўндирилиши ва қўшимча маблағ йўналтирилиши ҳисобидан молиялаштирилиши белгиланган.

“Оилавий тadbиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлашни янги босқичга олиб чиқишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорининг 6-бандида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимлари ҳамда сектор раҳбарларига тижорат банклари билан биргаликда дастурлар бўйича ажратилган кредитларни сўндириш жадвалига мувофиқ белгиланган муддатда қайтарилишини таъминлаш вазифаси юкланган.

Агар жадвал ижроси таъминланмаса, ўша ҳудудларда ҳар ойлик кредитлаш ҳажми кредитларни сўндириш жадвали ижросининг бажарилмаган миқдорига мос равишда камайтирилиши белгиланган. Яъни, ҳар икки қарорда кредитларнинг асосий қисми аввалгиларни қайтарилиши ҳисобига берилиши кўрсатилган. Агар кредит ўз вақтида сўндирилмаса, қайтмаган қисмига мос равишда маблағ ажратиш имконияти чекланади. Шунга кўра, ҳар бир маҳалла бўйича аввал берилган кредитларнинг сўндирилган қисми ҳоким ёрдамчиси тавсиясига кўра дастурлар доирасида янги қарз олувчига ажратиладиган кредитлар бўйича ресурс(лимит)ларнинг асосий манбаси ҳисобланади.

Дастурлар доирасида ресурс(лимит) маблағлари етарли бўлмаган тақдирда платформа орқали бу ҳақда масъул ҳоким ўринбосари раҳбарлигидаги туман(шаҳар) ҳамда ҳудудий Оилавий тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш марказига маълумот берилади. Бу — маҳалла жойлашган туман ёки шаҳарда олдинги имтиёзли кредитлардан қайтарилган маблағ ҳажми мавжуд тавсияномалар бўйича янги имтиёзли кредитларни ажратиш учун етарли эмаслигини билдиради.

Ўз навбатида, илгари ажратилган маблағлар сўндирилиши ҳисобига ресурслар шаклланиши билан ҳоким ёрдамчисининг тавсиясига асосан платформада дастлаб автоматик тарзда қайд этилган навбат асосида қайт берилади. Агар талабгорнинг имтиёзли кредит олиш бўйича мақсадли лойиҳаси бўлса-ю, маҳалла учун ажратилган маблағ туғадан тақдирда Оилавий тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш марказларига — дастурлар доирасида ҳудудга ажратилган маблағларни ҳар бир маҳаллада амалга оширилаётган лойиҳаларнинг истиқболи ва қўшимча иш ўринлари яратишга йўналтирилганлигидан келиб чиқиб, туман(шаҳар) ва маҳалла (овул) кесимида тақсимлаш ваколати берилган.



Юртимиздаги 2075 та жоме масжидда ҚУРБОН ҲАЙИТИ НАМОЗИ ўқилди.



2025 йил сентябрдан олий ва биринчи малака тоифасига эга ўқитувчиларнинг ОЙЛИК МАОШИНИ ОШИРИШ кутилмоқда.



Ўзбекистонда июль ва август ойларининг бошларида АНОМАЛ ИССИҚ кузатилиши прогноз қилинди.

4

№31 | 2024 йил 20 июнь, пайшанба

Mahalla

МЕНДА САВОЛ БОР...

“Ёшлар дафтари”дан қандай ҳолларда чиқарилади?

Шаҳноза АБДИМУРДОВА,
Бектемир туманидаги “Гулбоғ” маҳалласи:

— “Ёшлар дафтари”га киритилган йигит-қизлар қандай ҳолларда рўйхатдан чиқарилади? Улар неча турдаги ёрдам олишлари мумкин?



Нодирбек АБДУҚОДИРОВ,
Ёшлар ишлари агентлиги ахборот хизмати раҳбари:

— “Ёшлар дафтари” ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган, ишсиз ёшларнинг муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар базаси ҳисобланади. Ёшларни ушбу рўйхатга киритиш ва чиқариш “Маҳалла еттилиги” ҳулосаси асосида амалга оширилади. Рўйхатдан чиқариш учун қўйидаги талаблар бажарилиши керак.

Биринчидан, ёрдамга муҳтож йигит-қизнинг бандлиги таъминланиши ёки доимий даромад манбаига эга бўлиши, тўлов-контракт асосида ўқиш бўйича йиллик харажатлар белгиланган тартибда тўлаб берилиши керак.

Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолияти ҳамда ўзини ўзи банд қилиш мақсадида нотурар жойнинг ижара харажати қопланганда ёки мазкур фаолият учун зарур бўлган асбоб-ускуна ва меҳнат қуролларини харид қилиш учун субсидия ажратилганда, турар жой ижара компенсацияси белгиланган тартибда тўлаб берилганда, малакали тиббий хизмат кўрсатилганда, тўлиқ давлат таъминотига олинганда, аниқланган бошқа муаммолари қонуний ҳал этилганда рўйхатдан чиқариш мумкин.

Шунингдек, ўз аризасига кўра, “Ёшлар дафтари”га ноқонуний киритиш ҳолати аниқланганда, бошқа давлатларга ишлаш ёки доимий яшаш учун чиқиб кетганда, суднинг озодликдан маҳрум этишни назарда тутувчи ҳукми қонуний қучга кирганда, аризагачи кўмак бериш бўйича иш олиб бориш имконини бермайдиган бошқа ҳолатлар юзга келганда, аризачи вафот этган тақдирда фуқаро рўйхатдан чиқарилиши белгиланган.

Доимий ва вақтинча яшаш учун республиканинг бошқа ҳудудига кўчиб ўтганда, доимий яшаш ва вақтинча турар жойи бўйича рўйхатга олинган кундан бошлаб, ўн беш кундан кечиктирмасдан “Ёшлар дафтари”га тегишли ўзгариш киритилади.



БИЛАСИЗМИ?

Ёшларга давлат хизматлари кўрсатишда қандай қулайликлар бор?

Ягона интерактив давлат хизматлари порталида талаба-ёшлар, мустақил ҳаётга қадам қўяётган йигит-қизлар учун бир қанча хизматлар ва қулайликлар яратилган.

Жумладан, ёшлар қуйидаги хизматлардан фойдаланишлари мумкин:

- Ипотека кредитига давлат субсидиясини олишга ариза бериш;
- ҳалқаро имтиҳон тизимлари бўйича имтиҳон топшириш харажатларини қоплаб беришга ариза юбориш;
- талаба ўқиш жойидан маълумотнома олиш (ОТМдан);
- никоҳни қайд этиш учун ФХДё органига ариза юбориш;
- хорижий давлатда умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш учун ариза юбориш;
- ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтиш;
- хорижий давлатда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) учун электрон ариза юбориш;
- юримдик техникумига ўқишга кириш учун ариза юбориш;
- абитуриентни онлайн рўйхатдан ўтказиш.

БАНДЛИК

“8 нафар ёш ватанга қайтиш истагини билдирди”



Президентнинг “Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Беруний туманида 610 нафар ёшларга аукцион орқали 400 гектар унумдор ер ажратиб берилди.

Дониёр ШОМУРОДОВ,
Беруний туманидаги “Турон”
маҳалласи ёшлар етакчиси.

Бугунги кунда ерли бўлган ёшлар экиш ишларини якунлади. Улар сафида маҳалламизнинг 20 нафар ёшлари бўлиб, ҳар бирига 50 сотихдан жами 10 гектар ер 30 йил ижара асосида фойдаланиш учун ажратилди.

Қарор ижроси доирасида мулкдор бўлган ёшлар вакили Сулаймон Буваназаров икки йилдан бери хорижда мавсумий ишлаб келарди. Бу галги қайтишида уни хушбабар билан қарши олди.

Ёшларга унумдор ерлардан берилаётгани ҳақидаги янгилик Сулаймонда деҳқончилик билан шуғулланиш истагини ўйотди. Шу мақсадда ер олиш учун мурожаат қилиб, аукцион

онда иштирок этди. Унга уйига яқин бўлган серунум тоқзордан 56 сотих ер ажратилди.

Дастлаб плёнка остига тарвуз экди. Бу усулнинг афзаллиги — тарвуз, қовун ўзида намликини яхши сақлайди ва вақтли униб чиқади. Бундан ташқари, қаҳрамонимиз ток ораларини тозалаб, ўзумзорни янада ободонлаштирди. Тарвуз ҳосилини йиғиштириб олгач, иккинчи ҳосилга уруғ қадашни режалаштирган. Иккинчи мавсумда сабзи ва қарам экимоқчи. Режага кўра, фақат тарвузнинг ўзидан 50-60 миллион сўм фойда кўради. Муҳими, ўзи ва оила аъзолари доимий иш ўрнига эга бўлди.

Хорижда меҳнат миграциясидаги ёшлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш борасидаги ҳаракатимиз бу билан чекланмаган. “Миграциядаги ёшлар” номили

телеграм гуруҳ ташкил этганмиз. Унга айни пайтда хорижда меҳнат қилаётган 37 нафар ёш ва уларнинг ота-онаси аъзо. Гуруҳда ҳар бир ёш билан доимий алоқа ўрнатганмиз. Ватанга қайтишса, қандай шароит ва имконият яратилгани, қонунчиликдаги янгиликлар ҳақида тушунча бериб борапман. Саъй-ҳаракатимиз натижасида имтиёзли кредит ҳисобига тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган 8 нафар ёш ватанга қайтиш истагини билдирди.

Йил бошидаги хатловда ёшлар фикрини ўрганганимизда бир қатор таклифлар билдирилди. Энг кўп қайд этилган таклиф эгалари ҳудудда спорт мажмуаси куришни сўрашган. Чиндан йигит-қизлармиз спорт билан мунатазам шуғулланиши учун волейбол, баскетбол майдони, сузиш ҳавзасига эҳтиёж катта. Таклифлар асосида туман



ҳокимлигига мурожаат қилганмиз. Насиб қилса, ҳорий йил таклифимиз амалга ошса, натижаларимиз янада яхшиланади.

ШУКРОНАЛИК

“16 миллиард сўмлик лойиҳа устида ишляпмиз”



Поп туманидаги “Нуробод” маҳалласида яшовчи, “Ёшлар дафтари”дан Президент билан учрашувгача бўлган масофани босиб ўтган “VIRTUAL GROUP” корхонаси асосчиси Исламжон ДАВЛАТОВ:

— Вақтдан унумли фойдаланиб, илмий ва маънавий салоҳиятини ошириб бораган ёшлар зиммасидаги вазифани уddалаган ҳисобланади. Чунки, ёшликда олинган илм тошга битилган нақш қобирид.

Юртимизда ўзини намоён этиши учун ёшларга кўп имконият яратилган.

Мен ана шу имкониятдан унумли фойдаландим. Аввало, ўзим ҳақимда тўхталиб ўтсам, Ойлада отасиз, бувимнинг қарамоғида катта бўлганман. Шунга қарамадан яхши билим олишимга шароит яратиб беришган. Мактабни тамомлагач, қизиқишим бўйича хориж олий ўқув юртига қирмоқчи бўлганман. Аммо омад етишмаган.

2021 йилда маҳаллада ёшлар етакчиси тавсияси билан “Ёшлар дафтари”га рўйхатга киритилдим. Шунда олдимга аниқ мақсад қўйишим кераклигини англадим. Ниятим жиддийлашди. IT соҳасида тадбиркорлик фаолиятимни бошладим. Маҳалладаги ёшлар етакчиси маслаҳатини бериб борди. Икки йилда мана шу даражага етиб, оддий қишлоқ боласи катта тадбиркорга айландим. Давлат раҳбарига ўз лойиҳам бўйича тақдимот қилиш имконига эга бўлдим.

Раҳбарлигимдаги “VIRTUAL GROUP” корхонасида 7 нафар ёшлар бандлигини таъминлаганман. “Келажак

касблари” лойиҳаси доирасида 30 нафар ёшга ахборот технологиялари соҳасида касб ўргатдим. Шу кунгача 20 дан ортиқ лойиҳа ишлаб чиқиб, буюртмачиларга етказиб бердим. 2022 йил март ойида қиймати 500 млн. сўмга тенг IT export йўналишидаги корхонани ишга туширдик. Бундан ташқари, 500 нафар ёшларни компьютер саводхонлиги, дастурлаш асослари, мобил робототехника, веб ва мобил иловалар яратиш, график ва веб-дизайн йўналишлари бўйича ўқитдик.

“Беш ташаббус олимпиадаси”нинг учинчи ташаббуси ижросини таъминлаш мақсадида “Ёшлар дафтари”да рўйхатда турган ошларнинг 50 нафардан ортиқ фарзандлари бепул ўқитилиб, дастурчилик йўналишида фаолиятини бошлади. Тумандаги ҳар бир маҳалладан 2 нафар ёш дастурчи тайёрлаш мақсадида лойиҳа ишлаб чиқдим. Бунинг учун 7 та мактаб информатика хонасидан фойдаланиб, бепул дарсларни йўлга қўйдим.

Келгусида 25 миллиард сўмлик “IT cluster” лойиҳасини йўлга қўйишни, IT-Парк ва корхона билан ҳамкорликда тумандаги 4 та секторда қиймати 250 млн. сўмга тенг “IT coworking” маркази очишни режа қилганман. 2023-2024 йил режасига кўра, 16 миллиард сўмлик лойиҳани амалга оширяпмиз.





2024 йилнинг январь-апрель ойларида 6,4 минг нафар чет эл фуқароси ЎҚИШ МАҚСАДИДА Ўзбекистонга таширф буюрган.



Ўзбекистон Латвия билан 600 НАФАР ҲАЙДОВЧИНИ уюшган тарзда ишга жалб этиш бўйича келишувга эришди.



Кам қувватда ишлаётган КОЛЛЕЖЛАР НЕГИЗИДА боғча ва мактаб, техникум, “Барқамол авлод” мактаби ташкил қилинади.

САЙЁР ҚАБУЛ

Йигирмадан ортиқ фуқаронинг муаммоси ҳал этилди

Аҳоли муаммоларини ўрганиш, уларга манзилли кўмак бериш мақсадида Бухоро вилояти 4-сектор раҳбари Д.Йўлдошев белгиланган режага кўра, ўз ҳудудларида сайёр қабуллар ўтказмоқда. Навбатдаги сайёр қабул Ромитан туманидаги “Марзия” маҳалла фуқаролари йиғинида ўтказилди.

Баҳодир ФАЙЗИЕВ, Бухоро вилояти солиқ бошқармаси Матбуот хизмати раҳбари.

Туман сектор раҳбарлари, “маҳалла еттилиги” ҳамда тегишли ташкилот вакиллари иштирок этган қабулда

30 нафарга яқин фуқаро кадастр ҳужжатларини тайёрлаш, моддий ёрдам, дори-дармон, ички йўлларни шағаллаштиришга кўмаклашиш, ногиронлик аравачаси ва бандлигини таъминлаш масалаларида мурожаат қилди. Кувонарлиси, ушбу мурожаатларнинг 20 дан ортиғи шу ернинг ўзида тегишли ташкилот вакиллари иштирокида ҳал этилди.

Ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган 3 нафар хотин-қизга бир марталик моддий ёрдам пуллари берилди. Икки нафар ногиронлиги бўлган фуқарога юриш учун махсус мослама ва ногиронлик аравачаси, 5 нафар эхтиёжманд оилага озик-овқат маҳсулотлари улашилди.

Шунингдек, фуқароларга мурожаатлари юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Сайёр қабулга келган Зуҳра Ярашеванинг мурожаати ўз вақтида ҳал этилди. Унга ногиронлик аравачаси берилди.

– “Аёллар дафтари”да рўйхатда турман, – дейди “Марзия” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Гўлсара Умарова. – Сектор раҳбарига моддий ёрдам сўраб мурожаат қилгандим, бир марталик моддий ёрдам берди.

Бу каби сайёр қабуллардан қўзланган мақсад, чекка ҳудудлардаги аҳолининг оғирини енгил қилиб, уларнинг давлат органларига бўлган ишончини оширишдир.



ИМКОНИАТ

Солиқ имтиёзи 2027 йил 1 январга қадар узайтирилди

Президентнинг 2024 йил 31 майдаги “Мажбурий рақамли маркировкалаш жараёнидаги жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра, 2027 йил 1 январга қадар рақамли маркировкаланган маҳсулотлар чакана савдосини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари учун маркировкани ўқиб қўйилган сотиб олинган битта қўйилма учун БҲМнинг 4 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда солиқ имтиёзи берилди.

Аввал ушбу имтиёз 2023 йилнинг 1 январига қадар берилган эди. Солиқ қўмитасининг дастлабки ҳисоб-китобларига кўра, 2024–2026 йилларда 34 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъекти 2D-сканерлар билан таъминланиши керак. Имтиёзлар уларга жами 46,2 млрд. сўм маблағни тежаш имконини беради.

2024 йил 1 сентябрдан қуйдаги нормалар жорий этилади:

– тадбиркорлик субъектлари томонидан маркировкаланган маҳсулотларни 2D-сканердан фойдаланмасдан сотиш ҳолатлари аниқланганда, улар шахсий кабинетни орқали бу ҳақда огоҳлантирилади; – 2-мартга ана шундай огоҳлантиришдан сўнгра маркировкалаш қоидаларини бузиш ҳолати 1 ой ичида қайта такрорланса, тадбиркорлик субъектларига нисбатан солиқ текшируви тайинланади. Бунда ҳуқуқбузарлик содир этилган чоракдаги фаолият қамраб олинади;

– солиқ текшируви якунлангандан кейин маркировка қоидаларини бузиш 1 ой ичида қайта такрорланса тадбиркорлик субъектлари хабардор қилинмасдан солиқ текшируви тайинланади. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил бу ҳақда текшириш кунда хабардор қилинади.

Солиқ текширувлари тадбиркорлик субъектларини хабардор қилмасдан ҳамда Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни текшириш кунда хабардор қилган ҳолда амалга оширилади.

Ҳар чоракда мажбурий рақамли маркировкаланган маҳсулотларнинг чакана савдоси билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига нисбатан солиқ текширувлари амалга оширилади.

Мажбурий рақамли маркировкаланган маҳсулотлар чакана савдоси билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари орасидан ҳар чоракда, ҳар бир ҳудуд кесимида автоматик тарзда камида 10 фоизи танлаб олинган ҳолда назорат тадбирлари ўтказилади ҳамда қонунбузилиши ҳолатлари аниқланган субъектлар фаолияти кейинги 3 чорак давомида назорат қилиб борилади.

2024 йил 1 сентябрдан қуйдаги тартиблар ўрнатилади:

– пиво маҳсулотларининг чакана савдоси фаолияти хабардор қилиш тартибидан амалга оширилаётган фаолият турлари рўйхатига киритилади;

– тамаки ва пиво маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун БҲМнинг 10 фоизи миқдоридан ҳар ойлик йўғим жорий этилади.

Тадбиркорлик субъектлари пиво маҳсулотларининг чакана савдоси фаолиятини бошлаш ёки тўхтатиш ҳақида солиқ органларини хабардор қилиши лозим.

Аҳмад ФАЙЗИЕВ, Солиқ қўмитаси товарларни маркировкалаш назорати бўлими бошлиғи.

СОЛИҚЧИ – КЎМАҚЧИ



Норасмий фаолият қонунийлаштирилди

Алимуҳаммад ҲАСАНОВ, Поп туманидаги “Уйғур”, “Туман”, “Ултарма” маҳаллалари солиқ инспектори.

Солиқ соҳасидаги 18 йиллик тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, солиқ инспекторларининг маҳалла даражасига туширилиши халқ учун ҳам, давлат учун ҳам фойдали бўлди. “Солиқчи – кўмакчи” тамойили асосида солиққа оид барча масалалар маҳалланинг ўзида ҳал этилмоқда. Хусусан, аҳолига солиқ қонунчилиги бўйича ҳуқуқий тушунтиришлари берилиб, ўзини ўзи банд қилганларга тадбиркорлик фаолиятини бошлашига кўмаклашилмоқда. Тадбиркорларга фаолиятини янада кенгайтириш учун зарур тавсиялар берилмоқда.

Асосий вазифаларимиздан яна бири, давлат бюджетига қўшимча

манба аниқлашдир. Менга бириктирилган “Уйғур”, “Туман”, “Ултарма” маҳаллаларида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг товар айланмаси апрель ойида 1 миллион 568 минг 183 сўм, май ойида ушбу кўрсаткич 2 миллион 8 минг 574 сўмни ташкил этди. Яъни ўтган ойга нисбатан ушбу кўрсаткич 16,2 фоизга ўсди.

Афсуски, айрим тадбиркорлар ишчиларни норасмий, “конверт” усулида ишлатмоқда. Бундай ҳолатлар профилактик ўрганишлар натижасида аниқланиб, қонуний меҳнат фаолиятлари бўйича апрель ойида 124 нафар, май ойида 154 нафар фуқаронинг меҳнат фаолияти қонунийлаштирилди.

Шунингдек, хатлов жараёнида қонуний фаолият кўрсатаётган 13 та тадбиркорлик субъекти яқка тадбиркор сифатида расмий рўйхатдан ўтказилди. Учта маҳалла ҳудудида жойлашган 27 та объектда қўшимча

102,8 минг сўм ер ва мол-мулк солиқлари ҳисобланиб, солиқ тушумлари тўлиқ ундирилди.

Бугунги кунда “Уйғур”, “Туман”, “Ултарма” маҳаллаларида жами 50 та юридик шахс (тижорат), 16 та фермер хўжалиғи, 7 та нодавлат нотижорат ташкилоти, 80 та ЯТТ, 93 та деҳқон хўжалиғи, 3 473 та ер мол-мулк солиғи тўловчиси ҳамда 211 та декларация солиғи тўловчи жисмоний шахслар бор. Ушбу солиқ тўловчи субъектларнинг йиллик солиқ тўлов режаси жами 2 089 000 сўм бўлиб, ҳозирда 844,1 минг сўм, яъни 40,4 фоизга бажарилди. Ўтган ойлик режаси 152 млн. 300 минг сўм бўлиб, 223 млн. 100 минг сўм (146 фоиз)га бажарилган.

Албатта, барча соҳада бўлгани каби фаолиятимизда қийинчилик ва камчиликлар бор, лекин касбимизга бўлган меҳрим ва раҳбариятнинг рағбатлантириши мени янада шиддат билан ишлашга ундамоқда.

ҚўЛЛАНМА

Ҳуқуқбузарликлар учун жарима 2 фоизга туширилди



Солиқ кодексининг 227 прим 1-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар учун жарима охириги ҳисобот чорагида олинган соф тушумнинг 2 фоизи миқдоридан белгиланди. Ушбу ҳуқуқбузарликларга қуйидагилар кирди:

– фискал белгиларни акс эттириш ёхуд автоматлаштирилган ҳисобга олиш ўлчов воситалари билан жиҳозлаш ёки солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиниши таъминлаш бўйича қонунчиликда белгиланган талабларни ёки тартибни бузиш; – товарларни (маҳсулотларни) ишлаб чиқарувчилар, импорт

қилувчилар ва сотувчилар томонидан идентификация воситалари орқали мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларини бузиш.

Ҳуқуқбузарлик жарима қўлланилганидан кейин 1 йил давомида такроран содир этилса, охириги ҳисобот чорагида олинган соф тушумнинг 20 фоизи миқдоридан жарима солинади.

Аввал ушбу ҳуқуқбузарлик реализация амалга оширилган охириги ҳисобот чорагида олинган соф тушум миқдоридан (100 фоиз) жарима солишга сабаб бўлар эди.

Исматулло СЕВИНЧОВ, Солиқ қўмитаси бош инспектори.

ҲОЛАТ

5 035 нафар тадбиркор рақамли маркировка қоидаларини бузган

Бугунги кунда Ўзбекистонда қуйидаги маҳсулотларга мажбурий рақамли маркировкалаш талаблари жорий этилган:

- тамаки ва алкоголь;
- пиво;
- маиший техника;
- дори воситалари ва тиббий буюмлар;
- сув ва салқин ичимликлар.

Мажбурий рақамли маркировкалаш талабларининг тўлиқ бажарилиши учун маркировкаланган товарларни онлайн назорат касса техникаси (ОНКТ) чекида маҳсулот ва хизматлар идентификация коди(МХИК)ни ва маркировка кодларини акс эттириш орқали реализация қилиш лозим.

Рақамли маркировкаланмаган маҳсулотларни сотиб олиш ва уларнинг маркировка кодлари тўғрисидаги маълумотларни киритмасдан якуний истеъмолчига реализация қилиш маркировка қоидаларининг бузилиши деб баҳоланади. Бу эса қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Бу ҳақда солиқ органлари ходимлари жойларга чиққан ҳолда бевосита тушунтириш-тарғибот ишлари ўтказиб келмоқда. Амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамадан, айрим тадбиркорлик субъектларининг маркировка қоидаларига амал қилмаслик ҳолатлари кузатилмоқда.

Хусусан, онлайн-НКТ чеклари таҳлилига кўра, 2024 йилнинг январь-май ойларида республика бўйича алкоголь маҳсулотларининг чакана савдоси билан шуғулланувчи 5 035 та тадбиркорлик субъектида рақамли маркировка қоидалари бузилиши ҳолатлари аниқланган. Уларга тегишли 7 021 та онлайн-НКТ орқали 3,4 млн. дона харид чекида 724,7 млрд. сўмлик алкоголь маҳсулотлари рақамли маркировка кодларисиз реализация қилинган. Бу ҳақда тадбиркорлик субъектларининг шахсий кабинетларига огоҳлантириш хатлари юборилмоқда.

Солиқ хизмати органлари мажбурий рақамли маркировкаланган маҳсулотлар чакана савдосида маҳсулотларни идентификация воситалари орқали рақамли маркировкалаш ва уларнинг айланмасини кузатиб бориш қоидаларига тўлиқ амал қилиш лозимлигини тавсия этади.

Умид НАСРИДДИНОВ, Солиқ қўмитаси бош инспектори.






Россия шаҳарларидан
ТОШКЕНТ ОРҚАЛИ
бошқа давлатларга
боғловчи рейслар
ташkil этилади.



Тошкентдан
Бўстонликқача бўлган
Янги Ўзбекистон кўчаси
ва 4R12 автомобиль
йўли кесишмасида
ЯНГИ ТУННЕЛ ОЧИЛДИ.



БМТ Туризм
ижроия кенгаши
Ўзбекистоннинг
Глобал хавфсиз туризм
кодекси ташаббусини
БИР ОВОЗДАН
МАЪҚУЛЛАДИ.

Туғилган кун учун ўтирилган марварид

БИР ЖИНОЯТ ИЗМДАН



Бир хонадонда қатта миқдорда пул ва қимматбаҳо тақинчоқлар ўтирилди. Воқеа жойига етиб келган Мирзо Улутбек тумани ИИО ФМБ тезкор-тергов гуруҳи ходимлари уй деворининг паст эканига эътибор қаратишди. Эшик қулфи бузилмаган. Демак, дераза дарчаси очиқ қолдирилган. Ўтри дарча орқали деразани очиб қирган.

Нилуфар ИСОХОНОВА,
Тошкент шаҳар ИИББ
Ахборот хизмати бошлиғи.

Девордаги оёқ изларини аниқлаган эксперт-криминалистнинг дастлабки хулосаси бунни тасдиқлади. Дастлабки суриштирув ҳаракатлари олиб борилиб, кўни-қўшнилари билан суҳбатлашилди. Уларнинг шаклу шамойили аниқланиб, рўйхати тузилди. Хулоса қилиш мумкинки, жиноятни бу уйни билган, қаерда нима жойлашганидан хабардор шахс амалга оширган. Ёки у “ёлланган”. Суриштирувлар натижасида бир эмас, олти

марта ўрилик жинояти учун қамалиб чиққан, умрининг аксарият қисмини панжара ортида ўтказган Васил (исмлар ўзгартирилган) гумондор сифатида сўроқ қилинди. Тергов ҳаракатлари жараёнида унинг шахси ўрганилганда ота-онаси аллақачон ажрашиб кетишгани, отанинг қаерда эканлиги номаълум, она бўлими эса ўзга юртларда яшаши, на манзили, на дарағи борлиги маълум бўлди. Васил икки нафар вояга етмаган синглиси билан амакисининг уйида яшаб келаркан. Сўнгги пайтларда Васил ота-она меҳрига тўймаган, амакининг уйида ижарада тургандек, қисиниб-қимтиниб яшаётган сингилларига муносиб ака бўлолмагани, уларга етарли шарт-шароит ярата олмаганидан ўқсиб юраркан. Шунчаки суҳбат ўтказилганда, Василнинг ўзи ўрилик содир этганини тан олди. Унинг жиноятни тез бўйнига олганидан гумонланган терговчи воқеа тафсилотларини сўраркан, тергов эксперименти ўтказишга қарор қилди. Васил беҳато уй томон бошлаб борди. Деразага газ қувури орқали чиққанини, дарчани очиб қиргани, пул ва тақинчоқларни қайси жавондан ўғирлаганини адашмай кўрсатиб

берди. Эндиги вазифа ашёвий далилларни топиш эди. Унинг уйида тинтув ўтказиш учун ордер олинди. Синчиклаб ўтказилган тинтув жараёни ҳеч қандай натижа бермади. Пуллар-ку майли, ишлатиб юборилгандир, аммо тилла тақинчоқларни тезда сотиб юборишнинг имкони йўқ. Демак бошқа жойга яширилган. Ходимларнинг ҳафсаласи пир бўлиб, кетишга тараддулланаётганда, терговчининг кўзи кўчадан югуриб қирган Василнинг кичик синглиси бўлмиш Одинанинг бўйнидаги қимматбаҳо дурга тушди. Дур салмоқли бўлиб, кичиклардан кўра катталарнинг бўйнига мос эди. Нархи ҳам ўзига яраша эканлиги шундоқкина кўриниб турарди. Терговчи қизча билан суҳбатлашиш учун тажрибали педагогини таклиф этиб, амакисини, холислар иштирокини таъминлади. Ўта эҳтиёткорлик ва самимият билан ўтказилган суҳбат асосида қизча марваридни туғилган кунида акаси Васил совға қилганини айтиб берди. Туғилган кун – ўрилик содир этилган кун эди. Тергов жараёнида Василнинг айби тўлиқ исботланди ва у ўз жинояти учун қонун олдида жавоб берди.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

“Ташриф қоғозим, бу – тинчликка масъуллигим белгиси”



Мулоқот давомида тажрибамдан келиб чиқиб, қайси оила қандай ҳолатда эканини, ким жанжалкашу кимда жиноятчиликка мойиллик борлигини аниқлаб, шу асосида аҳоли билан ишлаш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқдим.



Бу борада вояга етмаганларга алоҳида эътибор қаратиляпти. Тунги вақтда кўчаларда мақсадсиз телефон ўйнаб ўтирган ёшларнинг ота-оналари чақиртирилиб, фарзандлари бирор жиноятга аралашиб қолмасликлари учун назоратга олишлари қатъий тайинланмоқда.

Қувончбек ҚҮРЯЗОВ,
Ҳазорасп туманидаги “Янгиобод” маҳалласи профилактика инспектори.

Хар бир муаммо бевосита фуқаролар билан мулоқотда ҳал этилади. Шу боис “Янгиобод” маҳалласида бошлаган дастлабки фаолиятимда ҳар бир хонадонга кириб, ўзимни таништириб, “бугундан мен шу маҳалланинг тинчлиги ва осойишталигига масъулман. Бу борада қандай муаммо бўлса биргаликда ҳал этамиз”, деб оила аъзолари билан суҳбатлашиб чиқдим. Уларга ўзимнинг ташриф қоғозимни бериб, ҳар бир фуқарони “Янгиобод” телеграм группасига қўшдим. Албатта, мулоқот давомида тажрибамдан келиб чиқиб, қайси оила қандай ҳолатда эканини, ким жанжалкашу кимда жиноятчиликка мойиллик

борлигини аниқлаб, шу асосида аҳоли билан ишлаш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқдим. Аксарият жиноятлар тунги вақтда содир бўлишини инобатга олиб, тунги рейдлар ташкил этилди. Бемақсад юрганларнинг шахси хизмат планшети ёрдамида жойида аниқланиб, улар билан тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Бу борада вояга етмаганларга алоҳида эътибор қаратиляпти. Тунги вақтда кўчаларда мақсадсиз телефон ўйнаб ўтирган ёшларнинг ота-оналари чақиртирилиб, фарзандлари бирор жиноятга аралашиб қолмасликлари учун назоратга олишлари қатъий тайинланмоқда. “Маҳалла еттилиги” ҳамкорлигида олиб бораётган ишларимиз ҳақида ҳар ойнинг 5-санасида аҳолига ҳисобот бериб келяпмиз. Унда маҳаллани жиноятдан ҳоли ҳудудга айлантириш борасида қилинаётган ишлар билан бирга, келгуси режаларимиз ҳақида маълумот берапмиз. Энг

муҳими, аҳолининг фикр-мулоҳазалари тингланиб, таклифлари инобатга олинмоқда. Маҳалла аҳолисининг асосий даромади деҳқончилик ва савдо-сотиқ. Уч юздан ортиқ фуқаро чет элга ишлашга кетган. Уларнинг ҳар бири билан мулоқотда бўлиб, ишлаш ва яшаш шароитлари ўрганилмоқда. Бирор оғир шароитга тушиб қоладиган бўлса алоқага чиқишлари ёки чет элдаги Ўзбекистон элчихоналарига боришлари тушунтирилмоқда. Шунингдек, уларнинг ота-оналари ва оила аъзолари билан учрашувлар ўтказилиб, вояга етмаган фарзандлари тарбияси назоратга олинмоқда. Ҳудуд осойишталигини таъминлаш ва жиноятларнинг олдини олиш учун аҳоли гавжум нукталарга 66 та кузатув камераси ўрнатилган. Келгусида кузатув камералари сонини янада кўпайтириб, улар хизмат хонамга интеграция қилинади.

МЕНДА САВОЛ БОР...



Эр ва хотин ўртасидаги умумий мол-мулк қандай бўлинади?

Мустафо ҚҮРБОНОВ,
Хоразм вилояти.

– Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш тартиби бўйича тушунтириш берсангиз?

Хушнуд БОЛТАЕВ,
Хоразм вилоят суди судьяси:

– Оила кодексининг 27-моддасига кўра, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш эр ва хотиндан бирининг талабига кўра, улар никоҳда бўлган даврда ҳам, никоҳдан ажралишгандан кейин ҳам, шунингдек, кредитор эр ва хотиндан бирининг умумий мол-мулкдаги улушига ундирувни қаратиш учун умумий мол-мулкни бўлиш талаби билан арз қилган ҳолларда амалга оширилиши мумкин. Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни эр ва хотин ўртасида ўзаро келишув асосида бўлиб олинади. Эр ва хотиннинг хоҳиши билан уларнинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги ўзаро келишувни нотариал тартибда тасдиқланади. Низо туғилган ҳолларда эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш, шунингдек, эр ва хотиннинг бу мол-мулкдаги улушини аниқлаш суд тартибиде амалга оширилади. Умумий мол-мулкни бўлишда суд эр ва хотиннинг ҳар бирига мулкнинг қайси қисми берилиши лозимлигини аниқлайди. Эр (хотин)га унга қараши улушдан ошқ кийматга эга бўлган мол-мулк бериладиган ҳолларда, хотин (эр)га тегишли пул ёки ўзга компенсация белгиланиши мумкин. Вояга етмаган болалар эҳтиёжини қондириш учун олинган буюмлар (кийим-бош, пойабзал, мактаб ва спорт жиҳозлари, мусиқа асбоблари, болалар кутубхонаси ва бошқалар) бўлинмайди ҳамда болалар эр ва хотиндан қайси бири билан яшаса, унга компенсациясиз берилади. Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни ҳисобидан ўртадаги вояга етмаган болалар номига қўйилган омонатлар ўша болаларга тегишли ҳисобланиб, эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш пайтида эътиборга олинмайди. Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни улар никоҳда турган даврда бўлган тақдирда, эр ва хотин мол-мулкнинг бўлинмай қолган қисми, шунингдек эр ва хотин томонидан улар никоҳда турган даврда орттирилган мол-мулк кейинчалик уларнинг биргаликдаги умумий мулкни ташкил қилади. Никоҳдан ажралган эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги талабларига нисбатан уч йиллик давво мuddати қўлланилади.



ОГОҲ БЎЛИНГ!

Ўзганинг машинасини олиб қочган 20 йилга қамалади

Кўпчилик бировнинг автомобиллини ҳайдасам ҳеч нарса қилмайди, деб ўйлайди. Аммо шу ерда адашади.

Тошкент шаҳар ИИББ
Ахборот хизмати.

Бундай ҳаракат автомобилни олиб қочиш, деб баҳоланади ва Жиноят кодексининг 267-моддасига асосан, жиноят сифатида малакаланади. Тасаввур қилинг, автомобиль олиб қочган йигит 19 ёшда. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг транспорт воситасини олиб қочиш, яъни 267-моддасига

Тасаввур қилинг, автомобиль олиб қочган йигит 19 ёшда. Жиноят кодексининг 267-моддасига биноан, бундай жиноят учун суд томонидан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин.



Энерготежамкор
қурилмаларни
ўрнатган истеъмолчиларга
ТАРИФ ЧЕГИРМАСИ
берилади.



ЎЗБЕКИСТОН
ТАРИХИГА ОИД
ноёб экспонатлар
илк бор Британия
музейларида намойиш
этилади.



Польша
Ўзбекистонликлар учун
ВИЗА БЕРИШ ТАРТИБИНИ
соддалаштириши
мумкин.

МАНЗАРА

ТУРФА ТАҚДИРЛАР

Хаётнинг ёрқин тонгларидан сўзланг аёлга...

Хар кун отган янги тонг мен учун берилган янги имконият. Ундан унумли фойдаланиш мақсадида атрофимдаги кўмакка муҳтож, ногиронлиги бўлган фуқаролар билан кўпроқ суҳбатлашишга, қандайдир муаммосини ҳал қилишда ёрдам беришга ҳаракат қиламан. Уларнинг кўзларидagi қайғуни қувонч ва кулгуга алмаштира олсам, мендан бахтли инсон йўқ.



Сарвиноз НАРЗУЛЛАЕВА,
Оқдарё туманидаги “Янгиқўрғон”
ва “Сўғончи” маҳаллалари
ижтимоий ходими.

Илк фаолиятимни бошлаган вақтим хонадонларга кирсам, кўпчилик “Сиз нима вазифа бажарасиз?”, “Бизнинг қандай мушкулларимизни осон қилиш қўлингиздан келади?” каби саволлар билан қаршимга чиқарди. Уларга зиммамизга юклатилган вазифалар ҳақида батафсил тушунтириб беришдан эринмадим. Аҳоли қанчалик ўз ҳуқуқ ва имкониятларидан хабардор бўлса, уларга хизмат кўрсатиш шунчалик осон кечишини билардим.

Вақт ўтиб, фуқароларнинг бу борадаги билим ва малакаси анча ўсди. Энди ўзлари маҳалла идорасига бизни қидириб келяпти. Бемалол, тортинмай қийналаётган масаласини баён қиляпти. Баъзилари қалбидagi кечинмалари, армон ва азобларигача сўзлаб беради.

Яқинда ҳудудда истиқомат қиладиган бир аёлнинг қаттиқ тушқунликка тушиб қолганидан хабар топдим. Аввалига саволларимга жавоб беришни истамади. Уни тинч қўйишни кераклигини айтди. Шунда туман “Инсон” ижтимоий хизматлар агентлиги психологи Азиза Холиқовадан ёрдам сўрадим. 15 кунлик машғулотлардан кейин аёлдан хабар олгани бориб, ўзига сира ўхшатолмадим. Юзларида ним табассум билан кутиб олди. Қилган ҳатоларининг ҳаммасини тушуниб етибди. Инсон бирор натижага эришиши учун фақат ўзи ҳаракат қилиши кераклигини англабди. Қувонарлиси, ҳаётнинг ёрқин томонини ҳам кўришни бошлабди.

“Янгиқўрғон” маҳалласида яшовчи Ҳабиба Вохидова салкам 80 ёшга кирган. Кексалик сабаб охириги 5 йилда эркин ҳаракатлана олмайди. Аравача сўраб, бир қанча ташкилотларга мурожаат қилган бўлишига қарамай, ижобий натижага эришолмаган. “Инсон” ижтимоий

Вақт ўтиб, фуқароларнинг бу борадаги билим ва малакаси анча ўсди. Энди ўзлари маҳалла идорасига бизни қидириб келяпти. Бемалол, тортинмай қийналаётган масаласини баён қиляпти. Баъзилари қалбидagi кечинмалари, армон ва азобларигача сўзлаб беради.

хизматлар агентлиги билан бирга 3 кун ичида уйига аравача олиб борганимизни кўриб, кўзларига ёш олди. Қайта-қайта раҳмат айтиб, миннатдорчилик билдирди.

5 нафар фуқарога “кейс” менежмент усулида иш очилди. Бир оилда эр-хотин ёши 30 дан ошган ўғли билан бирга истиқомат қилар экан. Аёл санаторийга навбатга қўйиб беришимизни илтимос қилди. Планшет орқали ўша жойнинг ўзида сўров юбордик. Бир ҳафта ичида йўлланма тайёр бўлди. Ҳозир аёл Каттакўрғон туманидаги “Марварид” санаторийсида мароқли ҳордиқ чиқармоқда. Турмуш ўртоғи ҳам айлани шу масалада ёрдам сўради. Унинг мурожаатини тез кунда ҳал қилиб бериш ҳаракатидамиз. Бундан ташқари, оила фарзандининг руҳий жиҳатдан соғлом эмаслигини инобатга олиб,

2-гурӯх ногиронлигини тайинлаш масаласида ёрдам кўрсатилаяпти. Иш ҳали якунига етгани йўқ, жараён давом этмоқда.

4 нафар ногиронлиги бўлган ёшлар параспортга жалб қилинган. 1 нафари сузиш билан шуғулланса, қолганлари шахмат йўналишида мунтазам

равишда тажриба ошириб келмоқда. Улардан Асқар Рашидов яхши натижалари билан турли кўрик-танловларда фахрли ўринларни банд қилиб келмоқда.

Бундан ташқари, 2 нафар ногиронлиги бўлган фуқарони хусусий ўқув марказида компьютер саводхонлиги бўйича бепул таҳсил олиши учун шароит яратиб берилди. Шу соҳага қизиқиши баланд бўлгани боис, мақсади сари дадил одимлашига кўмаклашяпмиз.

Аслида, инсонга ўзини бахтли ҳис қилиши учун кўп нарса керак эмас. Атрофдагиларнинг меҳри ва эътибори бир ҳовуч юрагимизни тоғлар қадар юксалтиради. Муҳаббат улашиб, одамларни бахтли қилиш эса нақадар ҳузурли!

“Имкониятларим янада кенгайди”

Ромитан тумани “Қоқуштовон” маҳалласида яшовчи Рўзимаматовлар оиласида 4 нафар фарзанд бўлиб, тўнғичи Нозимжон болалиқдаги хасталик сабаб, ҳозирда ногиронлиги бор. 17 ёшли Нозимжон тенгдошларига ўрнатилган оладиган даражада ақли, ҳар соҳада фаол, интилувчан бола.

Робототехника, бино макетларини ясаш билан шуғулланади. Ён-атрофдаги мактаблар, ҳаттоки олий таълим муассасаларидан фанга, қурилишга оид макетлар ясаш учун буюртмалар келиб туради. Шунингдек, ҳозирда компьютерда дастурлашни ҳам ўрганапти. Қолаверса, уяли алоқа телефонларини тузатиш, турли базмлар, туғилган кунларга видеолавҳалар тайёрлашга ҳам қизиқишга ҳавас қилмай илож йўқ.

Нозимжонга туман «Инсон» ижтимоий хизматлари маркази электрон юритмали аравача тақдим этганидан сўнг, унинг кўчага чиқиши, ука-сингиллари билан айланиши, ўртоқлари билан кўришиб келиши учун имконият яратилди.

Келажақда архитектор бўлишни мақсад қилган қаҳрамонимиз ташқарида ҳам бемалол ҳаракатланиш имкони берилганидан жуда хурсанд.



“Касбимнинг етук мутахассиси бўламан”

Олот тумани Халифа маҳалласида яшовчи Дилсўз Болтаева 2022 йилда онасидан айрилди. Болалик вақтида ота-онаси ажрашиб кетгани сабаб, ёлғиз қолган Дилсўзга ҳоласи Назокат Болтаева ғамхўрлик қилиб келяпти. У туман ҳокими қабулида бўлди, шунингдек, «Инсон» ижтимоий хизматлари маркази масъулларига жиянига иш сўраб мурожаат қилди. Дилсўзнинг оилавий шароити «Кейс-менежмент» усули асосида комплекс баҳоладиган ҳамда унга кўрсатиладиган ижтимоий хизмат ва ёрдамлар режаси белгиланди.

Дилсўзга биринчи навбатда, руҳий ёрдам бериш мақсадида психолог хизмати кўрсатилди. Шу билан бир қаторда, туман ҳокимлиги, туман камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими билан ҳамкорликда у ўз мутахассислиги бўйича «Баркамол авлод» болалар мактабига «Миллий ва жаҳон рақслари» тўғарак раҳбари лавозимига ишга қабул қилинди.

Айлани дамда қаҳрамонимиз мактабда ишлаш билан бирга, туман Маданият уйида ҳам фаолият олиб бормоқда. Унинг асосий мақсади ўзининг рақс гуруҳини тузиш, касбининг етук мутахассиси бўлишдир.



“Ногиронлик яшашдан тўхташ дегани эмас”

Жондор туманидаги “Кўлиён” маҳалласида яшовчи Солиевлар оиласини маҳалладагилар жуда яхши танишади. Уларнинг оиласида тўрт нафар фарзанд бўлиб, 2001 йилда туғилган кенжа ўғил Асрбек Солиев 2021 йилда чет элда ишлаб юрганида автоҳалокатга учради. Қаттиқ шикастланиш натижасида ўнг оёғидан айрилган йигит оиласининг, бобо-бувисининг руҳий далдаси билан оёққа туриб, яна меҳнат қилишда давом этди. Ҳозир томорқасида барпо этган иссиқхонада 35 туپ лимон кўчатларини парваришлаб, ҳар бир туپдан ўртача 1 млн. сўмдан даромад қиляпти.

— Ногиронлик гуруҳининг белгиланиши, яшашдан, ҳаракатдан тўхташ дегани эмас, — дейди Асрбек. — Кимгадир юк бўлмасдан меҳнат қилиш, мақсад сари дадил бориш керак. Тўхтасанг, ўтирасан, ўтирсанг ётиб қолишинг мумкин. Меҳнатни севган одамдан дард ҳам чекинади. Айниқса, янги берилган протез билан юришим, ҳаракатланишим янада осонлашди. Бу эса менга улкан режаларни бошлашимга имкон беряпти.

Асрбекнинг фойдаланиб келаётган протези жуда ноқулай бўлиб, бу унинг иш фаолиятига салбий таъсир кўрсатаётган эди. Туман «Инсон» ижтимоий хизматлари марказига мурожаат қилганидан сўнг, соҳа мутахассислари келиб, Асрбекдан ўлчам олишди ва яқинда унга замонавий протез тақдим этилди.

Шу билан бирга «Инсон» маркази томонидан берилган 2 қути асалари билан асаларичилик фаолиятини бошлади. Бу орада бобоси олиб берган 3 қути асалари билан фаолияти янада кенгайди. 30 йилга фойдаланиш учун бериладиган ер олиб, дуккакли ўсимликлар экишни мақсад қилган.



Зарнигор НАФИДДИНОВА,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
Бухоро вилояти бошқармаси матбуот котиби.

БИЛАСИЗМИ?

Ногиронлиги бўлган шахслар қандай имтиёзларга эга?

- ✓ Ногиронлиги бўлган шахслар учун олий таълим муассасасида давлат гранти асосида қўшимча қабул квотаси ажратилади.
- ✓ Ногиронлиги бўлган шахсларнинг автотранспорт воситалари учун ажратилган тўхтаб туриш жойларидан фойдаланганлик учун ҳақ олинмайди.
- ✓ I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ДХМ ва (ёки) ЯИДХП орқали хизмат кўрсатишда 50 фоиз миқдорига чегирма қўлланилади.
- ✓ Ногиронлиги бўлган шахслар жамоат бирлашмалари рамзларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш учун давлат божи ундирилмайди.
- ✓ Ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларга ҳамда I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ногиронлик нафақасини тайинлашда давлат хизматлари бепул кўрсатилади.
- ✓ I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар болаларини давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилишда имтиёзли рўйхатга киртилган.
- ✓ Тегишли тиббий ҳулоса асосида муҳтож шахсларга протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишининг техник воситалари берилади.

- ✓ Ногиронлиги бўлган шахслар санаторий-курортда бепул соғломлаштириш ҳуқуқига эга.
- ✓ I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг мулкда бўлган мол-мулк 60 квадрат метр доирасида солиқ солишдан озод қилинади.
- ✓ Меҳмонхоналарда ногиронлиги бўлган шахслар учун алоҳида шароитга эга хона ташкил этилади.
- ✓ Хизмат турар жойларида яшаётган I ва II гуруҳ ногиронлари хизмат уйдан бошқа турар жой берган ҳолда қўчирилади.
- ✓ I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ер солиғидан озод қилинади.
- ✓ Бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган бассейнларда шуғулланиш ва улардан фойдаланиш учун ногиронлиги бўлган болалар тўловдан озод этилади.
- ✓ Болалиқдан ногиронлиги бўлганлар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронларининг МҲТЭКМнинг 3 баравари (3 млн. 150 минг сўм) миқдоридagi маблағлари даромад солиғига тортилмайди.





Анталияда камондан
отиш бўйича ўтказилган
халқаро турнирда
АМИРХОН СОДИҚОВ
Олимпия ўйинларига
йўлланмани қўлга киритди.



Ўзбекистоннинг
19 ТА ФУТБОЛ
КЛУБИ ОФК лицензиясини
қўлга киритди ва китъада
энг яхши кўрсаткични
эгаллади.



23 июнь куни
Ўзбекистоннинг
16 шахрида
АНЪАНАВИЙ ОММАВИЙ
ЮГУРИШ мусобақаси
бўлиб ўтади.

ИМТИЁЗ

Тавсиянома
асосида
талаба
бўлади

Конунчиликка кўра, мутахассислиги бўйича камида 5 йил меҳнат стажига эга, лекин олий маълумотга эга бўлмаган 500 нафар хотин-қизни ҳар йили Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси тавсияномаларига асосан давлат олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишларига умумий қабул параметрларидан ташқари алоҳида тест синовлари натижаларига мувофиқ тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш амалиёти жорий этилган.



Субсидия
кимларга
берилади?

“Аёллар дафтари”га киритилган тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган хотин-қизларга асбоб-ускуна, меҳнат қуроллари ва бошқа соҳаларда ишлатиладиган меҳнат қуроллари ва аппаратларини харид қилиш учун 7 миллион сўмгача Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси ҳисобидан қонунчиликда белгиланган тартибда ёки 10 миллион сўмгача “Аёллар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ажратилиши белгиланган.

ЯНГИ ЛОЙИХА



Қишлоқда хотин-қизлар
фаоллиги ортяти

Лойиҳанинг талаб ва қондаларига риоя қилган ҳолда барча топшириқ ва вазифаларни тўла-тўқис бажарган беш нафар аёлнинг бизнес режаси эса тасдиқдан ўтди.

Фотима ИБРАГИМОВА,
Янгиобод туманидаги “Хавотог” маҳалласи
хотин-қизлар фаоли.

Маҳалла ҳаётида ҳар бир фуқаро тақдирига алоҳида ёндашув билан унинг учун қайғурмас экансиз, ижобий натижага эришиш мушкул. Ўрни келса, ҳафталаб, ойлаб ва ҳаттоки йиллаб бир инсоннинг яшаш тарзини яхшилаш устида бош қотиришга тўри келади.

Айниқса, хотин-қизлар билан ишлаш жараёнида бу масалага алоҳида эътибор қаратиш зарур. Турмушда қийналган, моддий жиҳатдан камчиликлари бўлган аёлларни жамиятнинг фаол аъзосига айлантириш, кайфиятини кўтариш учун анчагина вақт талаб этилади.

Жаҳон банки билан ҳамкорликда амалга оширилаётган “Ўзбекистонда қишлоқ аёлларининг имкониятларини ошириш” лойиҳаси айна шу мақсадларга йўналтирилгани билан эътиборга молик. Янада батафсил изоҳлайдиган бўлсак, “Аёллар дафтари”га киритилган боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бўлган ва ногирон фарзандни парваришлаётган

хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш орқали ижтимоийлашувига эришиш ва бандлигини таъминлаш кўзда тутилган.

2023 йил май ойидан шу тоифадаги 40-50 нафар аёл билан махсус дастур асосида ўқув машғулотири бошланган эди. Лекин мурожаат қилганлар орасида ёши катталар ҳамда дарсларга мунтазам қатнашишга имкон топа олмаганлар ҳам бўлди. Колаверса, мавсумий ишлар бошлангач, кўпчилик кунлик даромад топиш учун машғулотларга вақт ажарата олмади.

Лойиҳанинг талаб ва қондаларига риоя қилган ҳолда барча топшириқ ва вазифаларни тўла-тўқис бажарган беш нафар аёлнинг бизнес режаси тасдиқдан ўтди. Олиб борилган бир йиллик ўқув курсларида аёлларда гуруҳ билан ўзаро ҳамкорликда ишлаш, муаммоларга биргаликда ечим топиш кўникмалари шакллантирилди. Улар орасидан гуруҳ раҳбари, ҳисобчи ва котиб тайинланди. Энди Жаҳон банки улар ташкил этган “Мўътабар аёллар” тикувчилик корхонаси фаолияти учун 130 миллион сўм маблағ ажратадиган бўлди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас, бириктирилган махсус вакиллар ушбу гуруҳ ўз ишини йўлга қўйиб олгунга қадар олти ой давомида ҳар

жиҳатдан кўмаклашади. Илк буюртмаларни топишда ҳам амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Корхона ишни болалар кийимини тикишдан бошламоқчи. Бундан ташқари, ҳокимлик ва бошқа мутасадди ташкилотлар тадбиркорлиқни эндигина бошлаётган аёлларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга жалб қилинган.

5 нафар аёлнинг ўз бизнесига эга бўлиши маҳалла ҳаётида жуда катта натижа. Бу билан уларнинг бандлиги таъминланади, “Аёллар дафтари”дан чиқарилади, оиласи учун даромад киритишни бошлайди. Энг муҳими, жамиятнинг фаол аъзосига айланади. Бешта эҳтиёжманд оила камбағалликдан чиқарилади.

2024 йилда “Аёллар дафтари”га киритилган 97 нафар аёл орасидан яна иккита шундай гуруҳ шакллантириляпти. Яратиб берилган шароит ва имкониятти тобора чуқурроқ тушуниб етаётган хотин-қизлар орасидан лойиҳада иштирок этиш истагини билдираётганлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Бу ҳолат қувонarli, албатта. Ўз йўлини, ўз ўрнини топишга интилаётган аёллар сони қанча кўпайса, маҳаллалардаги муаммолар аста-секин барҳам топиб бораверади.

НАТИЖА

Муаммолар
ечимини
топганда...

Жорий йил 10 июнь ҳолатига кўра, маҳаллаларда хотин-қизлар фаоллари “хонадонбай” ишлаш орқали аниқлаган жамъи 228 418 та муаммонинг 217 060 таси ҳал этилган.

23 154 та ажралиш ёқасидаги оиланинг 18 922 таси яраштирилди.

Ишлаш истаги бўлган 91 814 нафар хотин-қиздан 86 093 нафарининг бандлиги таъминланди.

Касб-хунарга ўқиш ва ўрганиш истаги бўлган 18 443 нафар хотин-қизнинг 18 250 нафари ўқитилди.

Ижтимоий хизмат ва ижтимоий ёрдамга муҳтож 66 122 та оила аниқланган бўлиб, шундан 65 893 тасига ёрдам кўрсатилди.

Профилактик ҳисобда турган хотин-қизлардан 3 170 нафарининг муаммоси аниқланиб, шундан 2 661 нафарининг муаммоси ҳал этилди,

489 нафар хотин-қизлар профилактик ҳисобдан чиқарилди.

Миграциядаги хотин-қизлардан 6 841 нафарининг муаммоси аниқланган бўлиб, шундан 6 578 нафарига ёрдам кўрсатилди, 1 607 нафар хотин-қиз миграциядан қайтарилди.

Хонадон гигиенаси, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш бўйича 18 874 та муаммолар аниқланган бўлиб, шундан 18 663 таси бартараф этилди.

Оила ва хотин-қизлар
қўмитаси матбуот хизмати.



ТАВСИЯ

Таътил фарзандингиз учун зерикарли ўтмасин

Таътил бошлангач, оналар уй ва ҳўжалик ишларидан ташқари, фарзанди учун ҳам кўпроқ вақт ажратилишига тўғри келади. Бола уч ойлик фурсатини телевизор ёки компьютер қаршида ўтказмаслиги учун бўш вақтини қандай ташкил қилиш керак? Бу борада ҳар бир ота-онага психологик ва педагогик тавсиялар жуда асқатади.

Фаолиятни танлаш, режаларни муҳокама қилишга боланинг ўзини жалб қилишни унутманг. Унинг сеvimли машғулотири ва қизиқишларини ҳисобга олинг. Бир хил кун тартиби сабаб у тезда зерикиб қолади. Шунинг учун оилавий байрамлар, саёҳат ҳамда тенгдошлари билан мулоқот қилиши учун имконият яратиб беришга ҳаракат қилиш керак.

Ёз – янги, фойдали кўникмаларга эга бўлиш учун қулай фурсат. Бу фарзандингиз билан мулоқот ва ўзаро тушуниш ҳиссини оширишга бир имконият демак. Биргаликда уй юмушларини бажариш, айтайлик, гул парваришlash, томорқадаги экинларга ишлов бериш каби машғулотлар унинг табиатга бўлган меҳри ва эътиборини оширади. Эгалланган кўникмалар кейинчалик бу ишларни мустақил бажара



Тарбиядаги муҳим жиҳатлардан бири — инсонийлик фазилатларини шакллантиришдан иборат. Фарзандингиз билан бирга бобо-бувиси, яқин қариндошлар ҳолидан хабар олиш, уларга кичик ҳадялар туҳфа қилиш, дастурхон атрофида марокли суҳбат қуриш бу борада энг самарали усул ҳисобланади.

Тарбиядаги муҳим жиҳатлардан бири — инсонийлик фазилатларини шакллантиришдан иборат. Фарзандингиз билан бирга бобо-бувиси, яқин қариндошлар ҳолидан хабар олиш, уларга кичик ҳадялар туҳфа қилиш, дастурхон атрофида марокли суҳбат қуриш бу борада энг самарали усул ҳисобланади.

Хар бир ота-она фарзандининг жамият учун фойдаси тегадиган инсон бўлиб вояга етишини истайди. Шундай экан, унинг бўш вақтини тўғри сарфлашга, янги билим ва кўникмалар эгаллашига кўмаклашишни ҳам унутмайлик!

Дилдорахон ШАРОПОВА,
“Оила ва гендер” илмий-тадқиқот
институты таянч докторанти.



Ўзбекистон маҳаллалари
ушумасининг ижтимоий-сиёсий,
маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОВ
Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ
Шерзод МАМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар
агентлиги томонидан
2024 йил 7 майда
№271590 рақами билан
давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA
DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри Мирзо
Улуғбек тумани «Лашкарбеги» МФЙ,
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри Миробод тумани,
Буюк Турон кўчаси 41-уй.



Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
1 350 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-620

Газета тахририят компьютер
марказида саҳифаланди ва
офсет усулида босилди.